

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

381 Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари» (ЎзР АҚ-160) авиация қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-4*

(2012 йил 18 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидалари» (ЎзР АҚ-160) авиация қоидаларига (рўйхат рақами 1734, 2007 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 44-сон, 448-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 2 август,
9н-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

32 (532)-сон

— 83 —

381-382-моддалар

Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил
2 августдаги 9н-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси
фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини
сертификатлаш қоидалари» (ЎзР АҚ-160) авиация
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Мазкур Қоидалар барча фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларига, шунингдек фуқаро ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатишни амалга оширадиган ҳамкорликда фойдаланиш (жойлашиш) аэродромларига татбиқ этилади.».

2. 3-илованинг 2-қисми «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) РТУАЭ базасига бириктирилган радиотехник асбоб-ускуналар рўйхатининг йиғма жадвали, қуйидаги маълумотларни келтирган ҳолда: буюм тури, заводдан берилган рақами №, тайёрланган санаси, фойдаланиб бошланган сана.».